

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.05.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРОВ АЗАМАТ ОДИЛ ҲҒЛИ**

**ТАРИХ ФАЛСАФАСИ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Амиров Азамат Одил ўгли**

Тарих фалсафаси концепциялари эволюцияси.....3

**Амиров Азамат Одил ўгли**

Эволюция концепций философии истории.....23

**Amirov Azamat Odil o'g'li**

Evolution of the conceptions of philosophy of history.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of works published.....46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.01.05.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРОВ АЗАМАТ ОДИЛ ЎҒЛИ**

**ТАРИХ ФАЛСАФАСИ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal180 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([ik-falsafa.nuu.uz](http://ik-falsafa.nuu.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Мадаева Шаҳноза Омовуллаевна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Наврўзова Гулчиҳра Негматовна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Жураев Нарзулла Қосимович  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» сентябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Миллий университети Иқтисомий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [paika@nuu.uz](mailto:paika@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «20» сентябрь кунини тарқатилди.  
(2021 йил «20» сентябрдаги 28 рақамли реестр баённомаси).



**И.Эргашев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

**Г.М.Рузматова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

**О.Ж.Нишоновна,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошндаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда глобал тараққиётнинг постиндустриал даври кўп вариантли, ночизикли, нотекис хусусиятлар орқали рўй бераётгани тарих фалсафаси фанининг олдида дунёнинг келажакдаги кифасини таҳлил қилишдек мураккаб вазифани қўймоқда. Тарих фалсафасида тарихан рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни тушунтириш, шунингдек, инсоният тарихий тараққиёт мўлжалларини аниқлаш тенденциясининг назария ва методлари тобора кучаймоқда. Глобал дунёда ядровий қуролланиш, экологик бўҳрон, антропогенетик пандемия каби инсон борлигини емирувчи салбий омиллар кучайгани сари тарих фалсафаси ҳақиқатларига мурожаат қилиб, инсоният учун янги тарих ҳақиқатларини юзага чиқариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ҳозирги вақтда дунёда тарих фалсафаси қонуният ва тамойилларини янгича англашга уриниш, унга оид таълимотлар яратиш тенденцияси кетмоқда. Чунки бугун тарих, сиёсатшунослик, социология каби ижтимоий фанлар доирасида тарих фалсафасига оид янгидан-янги концепциялар яратилаётган бўлсада, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам фалсафа тарихига доир таълимот ва назарияларга таянади. Шу боис ривожланган мамлакатларнинг қатор илмий тадқиқот институтлари ва университетларида ижтимоий жараёнларнинг имманент белгилари, тарихийлик ва ворисийликнинг мантикий такорланувчи сегментлари, ҳар бир босиб ўтилаётган вақтнинг детерминизм тамойилларига асосланган хусусиятлари, келажак ҳақидаги концепциялари, моделларини яратиш муаммолари ҳамда янги тарих истиқболини прогнозлаштириш масалалари тадқиқ этилмоқда.

Янги Ўзбекистон замонавий дунёнинг ажралмас бир қисми сифатида ўз-ўзини мураккаб, интенсив ривожланаётган инсоният жамиятига йўналтириб бориши тарих фалсафаси эволюциясининг тажриба ва йўлланмасига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга интилаётган бир пайтда кишилиқ жамияти тараққиётининг яхлит моҳиятини идрок этиш орқали туб бурилиш давлари яратилиши мумкинлигини англаб етиш муҳим. «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур»<sup>1</sup>. Бундан тарих фалсафаси концепциялари эволюциясини фалсафий концептуал таҳлил этиш каби вазифаларни амалга ошириш нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги англашилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши. <https://aniq.uz/yangiliklar/shavkat-mirziyoev-milliy-tarixni-milliy-ruh-bilan-yaratish-kerak-aks-holda-uning-tarbiyaviy-tasiri-bulmaydi>

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг нутқларида илгари сурилган ғоялар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ҳамда Ўзбекистоннинг тараққиёт концепцияси юзасидан билдирилган концептуал ва амалий тақлифлари мазкур тадқиқотга методологик манба бўлиб хизмат қилди.

Республикада тарих фалсафаси концепциялари эволюцияси мустақил мавзу сифатида фундаментал тарзда кам ўрганилган. Аммо ушбу мавзунини очиб беришда хизмат қилувчи «ғоялар таназзули», «кадриятлар кадрсизланиши», «ғоявий бўшлиқ», «дунё манзараларининг тез-тез алмашинуви ва беқарорлиги» тушунчалари асосида дунёқараш инкирозини кўриб чиқишда замонавий глобал муаммолар, апокалиптик таълимотлар таҳлиliga оид ижтимоий-гуманитар фанлар назарий методологик масалалари маълум даражада ўрганилиб келинмоқда. Унинг фалсафий-тарихий илдизлари, «чизикли тарих» ғояси илк бор антик маданиятда шаклланган. Қадимги юнон шоири Гесиоднинг «Теогония» деб номланган дostonида «чизикли тарих» ҳақидаги тасаввурлар сингдирилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, Қадимги ва Ўрта аср Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари қарашлари, Э.М.Чоран<sup>2</sup>, А.Августин<sup>3</sup>, Д.Вико<sup>4</sup>, Ж.Руссо<sup>5</sup>, К.Маркс<sup>6</sup>, Ф.Фукуяма<sup>7</sup>, О.Шпенглер<sup>8</sup>,

<sup>2</sup> Чоран Э.М. Выпасть из времени / Сборник работ западных философов XX – XXI веков Апокалипсис Смысла. – М.: Алгоритм, 2007. – С. 129.

<sup>3</sup> Августин Аврелий Блаженный. О граде божьем. – М.: АСТ, 2000. – С. 654.

<sup>4</sup> Вико Джамбаттиста. Становление новой науки о природе нашей. Режим доступа: <http://bookduck.ru/bookidea.html>

<sup>5</sup> Руссо Ж. Ж. О причинах неравенства. [http://www.gamer.info/bogoslov\\_Buks/Philos/russo/o\\_pnichin.php](http://www.gamer.info/bogoslov_Buks/Philos/russo/o_pnichin.php)

<sup>6</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Немелвая идеология. Том I. Фейербах I. – С. 37.

<sup>7</sup> Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. – М.: АСТ, 2004. – С. 21.

<sup>8</sup> Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. – М., 2000. – С. 265.

У.Макнилл<sup>9</sup>, В.Грин<sup>10</sup>, А.Тойнби<sup>11</sup>, Х.Гассет<sup>12</sup>, Ф.Беконнинг фан лойихаси<sup>13</sup>, Р.Декартнинг рационализи<sup>14</sup>, Ж.Локкнинг либерализми<sup>15</sup>, Д.Дидро<sup>16</sup>, Ш.Монтескье<sup>17</sup>, Ф.Вольтер<sup>18</sup>, П.Гольбах<sup>19</sup>, Ж.Ламетри<sup>20</sup> сингари маърифатпарвар файласуфларнинг позитивизм таълимотлари ҳамда Франкфурт мактаби вакиллари асарларини келтириб ўтиш мумкин. Бундан ташқари тарих фалсафаси концепцияси назариялари шаклланишида И.Халдун, М.Абдо, А.Бадави, И.Гаспирали, А.Авлоний, А.Фитрат сингари Шарқ маърифатпарвар мутафаккирларининг ижтимоий тараққиёт ва ўзгаришларни тушунтиришга қаратилган ҳолялари ҳам муҳим ўрин тутди.

Гуманитар фан соҳаларида концепциялар эволюцияси ижтимоий ўзгаришларни тушунтиришга қаратилган парадигмалар орасида етакчи методологик вазифани бажарувчи концепциялардан ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда Ғарб ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида шаклланган концепциялар эволюцияси парадигмасини тадқиқ этиш билан боғлиқ бир неча йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Тарих фалсафасида вужудга келган даврлаштириш тизими асосидаги тадқиқотлар (Гесиод. Теогония. 1999; Чоран Э.М. Тарих интихоси. 2002; Августин А. Биринчи жаҳон тарихи. 2000; Дж.Вико, Ж.Ж.Руссо, К. Маркс);

2) Глобал тараққиёт лойиҳаларининг компаративистик таҳлилини олиб бориш баробарида ўрганиб чиқилган назариялар (Ф.Фукуяма, С.Хантингтон, Г.Гегель, А.Кожев, О.Шпенглер, Х.Мани, Ж.Делез, Ф.Гааттари, К.Фредрих, Ж.Аттали, Ж. Модельски, И.Валлерстайн);

3) «Тарих фалсафаси» концепцияларининг сўнгги босқичида вужудга келган «Тарих фалсафаси» тушунчаси асосини яратган назариялар (Ж.Фурастье, Д. Белл, З.Бжезинский, А.Тоффлер).

Мазкур муаммони ўз ичига олувчи тарих фалсафасига илк ўрта асрлардан то бугунги кунга қадар хилма-хил метод ва ёндашувларни ўз ичига олувчи турли позициялардан туриб ёндашилган. А.Августин, Т.Гоббс, Дж.Вико, Г.Гегель, К.А.Сен-Симон, К.Маркс, О.Конт, Ф.Ницше, В.Дильтей, Г.Риккерт, О.Шпенглер, М.Вебер, С.Франк, К.Ясперслар ижодида бундай методологик ёндашувларга оид ўзига хос анъана шаклланишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари рус мутафаккирлари Н.А.Бердяев, И.А.Ильин, Л.П.Карсавин, Н.О.Лосский, А.Ф.Лосев, В.С.Соловьевлар ишларида ҳам

<sup>9</sup> McNeill W. The Rise of the West after Twenty-Five Years // J. of World History. 1990. Vol. 1. – P. 1-21.

<sup>10</sup> Modelski G., Thompson W. Sea Power and Global Politics since 1494. – Seattle: University. Vol.44. – № 1.

<sup>11</sup> Тойнби А. Дж. Постыжение Истории. – М., 1991.

<sup>12</sup> Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? – М.: Наука, 1991. – С. 162-163, 172, 179, 188-190.

<sup>13</sup> Бэкон Ф. Новый Органон // Соч. В 2 т. – М.: Мысль, 2015.

<sup>14</sup> Декарт Р. Рассуждение о методе // Избранные произведения. – М., 2013.

<sup>15</sup> Локк Дж. Избранные философские произведения. – М., 1960.

<sup>16</sup> Дидро Д. Избранные философские произведения. – М., 1941.

<sup>17</sup> Specter C. Montesquieu: liberté, droit et histoire. 2010.

<sup>18</sup> Ф. Вольтер и русское общество начала XX века / П. Р. Заборов // Начало века : Из истории международных связей русской литературы. – М.: Наука, 2000. – С. 43-72.

<sup>19</sup> Гольбах П.А. Избранные произведения в 2-х тт. – М., 2010.

<sup>20</sup> Ламетри Ж.О. Человек – машина / Ж.О. Ламетри. – М.: Директ-Медиа, 2010.

тарих фалсафасининг формацион, цивилизацион, модернизацион концепцияларида асосий ҳаракатлантирувчи қонуният синергетик тараққиёт эканлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тарих фалсафаси эволюциясининг имманент, трансформацион, ворисийлик жиҳатлари замонавий тараққиёт тажрибаси нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган;

тарих фалсафаси эволюциясининг замонавий глобаллашув жараёнларидаги янги парадигмал белгилари таҳлил этилган ҳамда Ўзбекистондаги модернизация жараёнлари нуқтаи назаридан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналлар ва конференцияларда чоп этилган мақолалар мазмуни, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган ғоялар, фикрлар, илмий натижалардан фалсафа, тарих, сиёсатшунослик фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотларда фойдаланилиши ҳамда илмий хулосалардан фалсафа, фалсафа тарихи, тарих каби фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиб, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ва қўлланилган хронологик нуқтаи назардан даврлаштирилган концепциялар тизимидан «Фалсафа тарихи», «Сиёсатшунослик», «Ижтимоий фалсафа», «Социология», «Тарих» фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тарих фалсафаси концепциялари эволюцияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тарих фалсафаси концепциялари кавмлар, династиялар, империялар ва даврий парадигмалар алмашинуви кўринишида босқичма-босқич хронологик эволюцияда ривожланганлиги, социумлар ўртасида тарихий воқеаларни «таксономик алоқалари» эмас, ўзаро таъсир алоқаларининг трансформацияси тараққиёт моделларининг асосини ташкил этганлигига оид таклиф-тавсиялардан «Замонавий Ғарб фалсафасининг долзарб муаммолари» номи ўқув қўлланманинг «Баден мактабининг кадриятлар фалсафаси» номи қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 89-03-2884-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланманинг назарий-методологик асоси такомиллашган;



тарихий воқеаларни моделлаштириш мезонлари, тарихий ривожланиш қонуниятлари, анъанавийлик ва замонавийлик қўринишлари тарихни ўрганишдаги мантикий конструкциялар, гносеологик услублар, холислик ва объективлик каби ёндашувларга оид тақлиф-тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида, жумладан, Марказ томонидан «Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар» дастурининг «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар» номи VIII бобининг «Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатиغا киритилган мамлакатимиздаги объектлар ҳақидаги маълумотларни 3D форматда намойиш этадиган электрон фото жамланма (виртуал саёҳат) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш» мавзусидаги 34-банди ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Кенгагининг 2020 йил 15 октябрдаги 03/07-879-сон маълумотномаси). Натижада Марказ томонидан ишлаб чиқилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ошган;

замонавий фалсафада тарих фалсафаси концепцияси турли халқлар ва миллатлар тарихини ўрганишда миллий хусусиятларга таяниш, тарихий тараққиётнинг объектив қонуниятларини ҳисобга олиш, тарихни сохталаштириш орқали ёшлар онгини манипуляция қилишга бўлган уринишларнинг космополитик, манкуртлик каби салбий оқибатларини олдини олишда замонавий тарихий тафаккурнинг бунёдкор, креатив, яратувчанлик каби ижобий таъсирларига оид тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 13 июлдаги 2-13-23-1855-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси файласуф кадрларнинг шахсида миллий бағрикенгликни шакллантириш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган;

тарих фалсафасининг формацион, цивилизацион, модернизацион концепцияларида асосий ҳаракатлантирувчи қонуният синергетик тараққиёт эканлигига оид ғоялардан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг «Йўл харита»сини ишлаб чиқишда назарий асос сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 3 октябрдаги 02/09-1272-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшлар, хотин-қизлар орасида миллий ўзликни англашга оид услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда уларга доир миллий сиёсат юритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 122 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янглиги ва амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Тарих фалсафаси» концепцияси шаклланишининг ижтимоий-тарихий асослари» деб номланган биринчи бобда тарих фалсафасининг қонуниятлари, унинг ўзига хос томонлари тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу бобда тарих фалсафасининг ўзига хос таснифи ишлаб чиқилган ҳамда тарих фалсафаси концепциялари эволюциясининг хронологик босқичлари очиб берилган.

Тадқиқотда тарихий тараққиёт масаласини изохлашга қаратилган бир қатор файласуфларнинг ёндашув ва концепциялари қисқич таҳлил этилган бўлиб, унда мавжуд тарихий ўзгаришларнинг механизми сифатида табиий фанларнинг ўрни алоҳида эътиборга олинган. Айнан илмий билим туфайли турфа хил тарихий ўзгаришлар рўй берганлиги, ишлаб чиқариш шакллари, маданият, таълим тизимига таъсир кўрсатганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тарих фалсафаси ижтимоий ҳаётни яхлит ҳолда таҳлил этар экан, у ижтимоий фалсафа методларидан фарқли ўларок, мамлакатлар ва халқларнинг мавжуд, ўзига хос анъана ва қадриятларини эътиборсиз қолдирмайди. Ижтимоий фалсафий методлар жамиятнинг умумий, барқарор, ўзгармас қонуният ва принципларинигина таҳлил этади. Шу боис ҳар иккала соҳа предметининг ижтимоий қонуниятларга нисбатан ёндашуви турлича. Тарихга фалсафий ёндашув ижтимоий ҳаётдаги турфа хил ўзига хосликларни рад этмайди, аксинча, уларнинг воқелиқдаги реал синтезини, умумбашариёт

тарихининг шаклланишидаги ўрнини таҳлил қилади. Шу маънода, бир хил воқеликларни қиёслаш диалектикаси ўз ўрнини бутун ва қисмининг ўзаро муносабати диалектикасига бўшатиб беради, чунки бунда алоҳида тарихий воқеаларни «таксонамик алоқалари» эмас, балки ўзаро таъсир алоқаларининг трансформацияси ўрганилади. Ижтимоий фалсафий таҳлилнинг бундай икки ёқламалиги, умумфалсафий таҳлил ёндашувлари билан айнан, чунки умуминсониятга хос субстанционал воқелик ҳамда жонсиз ва жонли табиат, шунингдек, соцуумлар ўртасидаги ўзаро таъсирларни ўрганиш ана шу методни тақозо этади.

«Тарих фалсафаси» концепциясининг худудий ва даврийлик хусусиятларни бир қарашда мураккаб ва хаотик тараққиётда шаклланган деб кўриниши билан фалсафий моделлар мантикий конструкциясида тарих фалсафасининг аниқ қонуният ва тамойиллари асосида ривожланган. Фақат бу қонуният ва тамойиллар тараққиёт моделларини тақлиф этган файласуфлар эътибор берган жиҳатлар, худудийлик, даврийлик ёки маданий, диний йўналишда ўзига тегишли хусусиятларнинг шаклланиш қонуниятларини ифодалаган. Умумий қонуният сифатида қавмлар, династиялар, империялар ва даврий парадигмалар алмашинув даврларида рўй берадиган ўзгаришлар барча моделларда кузатилади<sup>23</sup>, бу умумийлик тарих концепцияси моделларининг эмпирик ёки ижтимоий тажриба кўламадан қатъий назар, умумий қонуниятга бўйсунганини билдиради. Ушбу умумий хусусиятлар келажак томон йўналиш кўрсатувчи модернизацион моделларнинг тўғри мантикий ривожига асос солади.

Ғарбий Европа институтлари Ғарбга маълум илмий методлар сифатида ҳам универсал татбиқ қилиш характериغا эга. Юқори маданият чегараларида узок муддатли конвергенциялайдиган чуқур тарихий механизм мавжуд: бу, биринчидан, нисбатан кучлироқ иктисодиётда, кейин эса сиёсий соҳа, ниҳоят, маданиятда рўй беради. Бу жараён, биринчи навбатда, замонавий фан ва технологиялар, уларнинг моддий бойлик ҳамда ҳарбий қурооллар, умуман, барча жамиятлар учун зарур бўлиб яратилган буюк нарсалар туфайли олдинга интилади. Бугунги кунда тарих фалсафасига замонавий руҳда ёндашиш кўпгина мураккаблик ва ўзига хос услубларни талаб қилади. Зотан, бунда тарихий жараёнларни турли ёндашувлар, нуқтаи назарлар билан баҳоловчи оқимлар, мактаблар, тенденциялар мавжуд. Ҳозирда тарих фалсафасини ёритишда тадқиқотчилар аксарият ҳолларда синтез услубига муурожаат этаётганликларини кўришимиз мумкин. Тарих фалсафасини синтез баҳолаш муаммоси унинг барча мураккабликларига қарамай, илк бор француз тарихнависларининг «Анналар» тадқиқот мактаби томонидан татбиқ этилган, кейин мазкур услуб бошқа йўналишлар, оқимлар томонидан ривожлантирилди. Бироқ бу билан тарихни синтез асосида баҳолаш тенденцияси мутлақо, тўла шаклланди, дейиш нотўғри. Лекин шунга қарамай, мазкур муаммонинг онтологик, гносеологик, эпистемологик сабабларига кўра аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Инсоният

<sup>23</sup> Уильямсон Д. Центральная цивилизация. – М.: АСТ, 2000. – С. 657-658.

таракқиётининг йилдан-йилга ўсиб бориши уни тарихийлик ҳамда замонавийлик нуқтаи назаридан ўрганиш турли муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бизга маълумки, собиқ совет фалсафасида ушбу муаммо илмийликдан йироқ ҳолда гоаят мафкуралаштириш билан талқин қилинган эди, масалан, таракқиётнинг «нокапиталистик» концепцияси Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги аксар «учинчи дунё» мамлакатларини турли иқтисодий инқироз ва сиёсий бўҳронларни бошидан кечиришига олиб келди. Бироқ буларнинг барчаси «тарихий карелизация» моделини ижтимоий факт сифатида ўрганмасликни билдирмайди. Шу маънода, айнан тарих фалсафаси дунё тарихидаги «империализм» ва «колониализм» каби мураккаб, ўзига хос жараёнларнинг (табiiйки, бу жараёнлар жамият ва унинг алоҳида тизимлари доирасида тарихий бўлмаган ёндашувлар билан ўрганилмайди) фалсафий, гоаявий асослари ва туб моҳиятини очиб бериши лозим. Диссертацияда амалга оширилгани сингари тарих фалсафаси концепциялари тарихий ўзгаришларни тушунтиришни назарда тутувчи яхлит анъана сифатида олиб қаралиши, уни келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий шарт-шароит аниқланиб, тарих фалсафаси концепцияларини тушунтиришга уринувчи ёндашувлар хилма-хиллиги мазкур анъананинг тарихий таракқиётга мос равишда эволюция ва трансформациялашуви сифатида баҳоланиши зарур.

Мазкур тадқиқотда «Тарих фалсафаси» концепциясининг ҳудудий ва даврийлик хусусиятларини ўрганишда дунё тарихида ўзининг алоҳида ёндашувлари билан ахамиятли таълимот яратган файласуфлар таълимоти асосида моделларни беш йўналишда тизимлаштирдик.

Диссертациянинг «Фалсафа тарихида тарихни моделлаштириш гоаясининг вужудга келиши ва трансформацияси» деб номланган иккинчи бобида жаҳон сиёсий сахнасида рўй берган жараёнлар, замонавий глобаллашув жараёнлари, кутбли дунё тизимининг барҳам топиши сингари қатор омиллар, тарих фалсафасининг мумтоз ва замонавий даври билан боғланишидаги муаммолар ўрин олган.

Жаҳон тарихининг социал-тарихий организмлар, хусусан, Бобил, Осурия, Эрон, Рим сингари давлатчилик тизимларининг вужудга келиши, таракқий этиши ва ҳалокати борасидаги кузатишлар умумлашмалари мазкур концепциянинг асосини ташкил этди.

«Тўрт монархия» концепцияси ҳам тарихга нисбатан циклик ёндашув шаклланишидаги назарий асос вазифасини бажарди. Унга кўра, кишилик жамияти тарихий таракқиёти мобайнида мавжуд бўлган барча давлатлар вужудга келиш, таракқий этиш ва таназзулга юз тутиш босқичларини бошдан кечирган.

Циклизм ҳам қадимий, ҳам ўрта аср Шарқ мамлакатларининг ривожланишида яққол намоён бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамият таракқиётининг циклик модели айнан Шарқда яратилишига олиб келди.

Тарихни тушунишнинг ижтимоий-иқтисодий формация назариясининг ҳукмрон талқини унга ном беришни талаб этади. Тарихга бундай қарашни

ифодалаш учун баъзан «чизикли», «бир чизикли» атамалари ишлатилади. Мазкур тадқиқотда у «тўғри чизикли – формацион ёндашув» деб аталади.

Инсоният жамияти эволюциясини бундай талқин этиш фақат ижтимоий-иктисодий формация назарияси учунгина эмас, балки тадқиқотда кўриб чиқилган инсоният ривожланишининг уч босқичли (ёввойилик, варварлик, цивилизация) концепциясидан бошлаб, XIX аср ўрталарида тарих фанида мустаҳкам қарор топган даврлаштиришгача бўлган (унда бутунжаҳон тарихининг дастлаб уч, кейин эса тўрт даври (қадимги Шарқ, антик, ўрта аср ва янги замон) ажратиб кўрсатилган эди) барча унитар-стадиал концепциялар учун хос бўлган. Тарихни тушунишга оид мазкур концепцияларни умумлаштирган ҳолда уни тўғри чизикли стадиал ёндашув, дейиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳукм сурган тарихни унитар-тўғри чизикли тушунишга реакция сифатида плюрал-циклли деб номланган янгича қараш юзага келди. Барча плюрал-циклли концепцияларнинг характерли белгиси инсоният ривожланишининг ягона тўғри чизикли йўлини инкор этишдан иборат эди. Улар бир чизиклиликни кўп чизиклиликка, инсоният миқёсидаги ривожланиш босқичларининг алмашилишига, уларнинг вужудга келиши, гуллаб-яшнаши ва ҳалокати ғоясига қарши қўйдилар.

XIX аср бошларига келиб, тарих фанида тарихни унитар-стадиал тушуниш мустаҳкам қарор топди. «Цивилизация» атамаси кенг ёйилди. Бизга маълумки, «цивилизация» тушунчаси ижтимоий синфлар ва давлатнинг мавжудлиги билан характерланидиган инсоният ривожланишидаги босқични англатади.

Бу даврга келиб, тарих фалсафасида «цивилизация» тушунчаси билан биргаликда маданият категорияси ҳам кишилик жамияти тарихини тушунтириш соҳасида кенг ишлатила бошланди. Даставвал ушбу категориялар мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчалар сифатида кўлланилди. Баъзи олимлар жаҳон халқларини маданиятсиз халқлар, ярим маданиятли ва маданиятли халқлар кўринишида таснифладилар. Мазкур қараш цивилизацион ёндашувдаги халқларнинг ёввойи, варвар ва цивилизацияли одамлар кўринишидаги таснифи билан ўзаро муносабат эди. Бироқ кейинчалик тарихий фалсафий тадқиқотларда цивилизациялашганлик даражасидан қатъий назар, барча халқлар маданиятга эга, деган тезис шаклланди.

Тадқиқотдаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда шунини айтиш мумкинки, фалсафа тарихида тарих ва тарихий тараққиётни тушунишга қаратилган хилма-хил ёндашувлар шаклланди. Ушбу ёндашувлар фалсафа тарихида тарих фалсафаси концепциялари сифатида таснифланади. Мазкур ёндашувлар таҳлилларини умумлаштирган ҳолда уларни монистик ва плюралистик; чизикли ва циклик; формацион ва цивилизацион сингари тараққиёт моделлари кўринишида таснифлаш мумкин.

«Тарих интиҳоси» ва «цивилизациялар тўкнашуви» концепциялари ҳам этноцентриқ характер касб этади. Бу концепцияларнинг ҳар иккиси ҳам Ғарб маданиятининг устунлиги ва айни маданиятнинг алоҳида ўзига хос

хусусиятларга эга эканлигини исботлашга қаратилган. Ф.Фукуяма ҳам, С.Хантингтон ҳам либерализм энг яхши тузум ва у замонавий цивилизация олами юзага келтирганлиги, шу боис либералистик принцип ва институтлар Фарбдан бошқа «жаҳолат ботқоғига ботган», «маърифатдан бебахра мамлакатларда ҳам кенг қўлланилиши кераклигига катъий ишонадилар. Ҳар икки концепцияда ҳам миссионерлик ғоялари мавжуд бўлиб, ҳар иккиси ҳам ноғарб дунёда либерализмнинг жорий этилишини тарғиб қилади. Фарқи шундаки, Ф.Фукуяма бу борада оптимистроқ бўлса, С.Хантингтон бироз эҳтиёткорлик йўлидан боради. Ушбу назарияларни инсониятнинг келгусидаги глобал муносабатлар тараққиётини белгиловчи ўзига хос стратегик ҳаракат дастури даввоси билан чиққан назариялар сифатида баҳолаш мумкин<sup>24</sup>.

Тарихнинг ўзига хослиги, ижтимоий ҳодисалиги маълум бир давр, замон ва макон моҳиятини ўзида мужассам этганлиги, унинг бутун феноменини белгилаши билан баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, унинг мазмун-моҳияти, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳодиса сифатида ўзига хослигини кўрсатади. Айниқса, юксак кўтарилишлар, сакрашлар тараққиётнинг энг баланд чўккиларига чиққан даврларда тарихнинг цивилизацияни вужудга келтирувчи ҳодиса сифатидаги феноменини намоён бўлади.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, дунёда шундай катта ўзгаришлар содир бўлдики, натижада, бутун инсоният тарихи туб бурилиш нуктасига келди. Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган СССР деб аталмиш империянинг барҳам топиши мазкур ўзгаришларнинг энг муҳими ҳисобланади. Бу ҳодиса ижтимоий-гуманитар фан соҳалари доирасидаги тадқиқотлар олдига келажакдаги глобал дунё лойихаси ҳамда унда ўрнатиладиган тартиботларни белгилаб беришга қаратилган тарихий тараққиёт моделларини ишлаб чиқиш вазифасини долзарб қилиб қўйди. Муҳими шундаки, мазкур тараққиёт модели қамров жиҳатидан глобал дунё тизимини назарда тутиши лозим эди. Бирор минтақа ёки цивилизация билан чекланиш мумкин эмас эди. Негаки, вақт ўтиши билан дунё ўзининг икки қутблилик хусусиятини йўқотиб борди.

Глобаллашув комплекс ҳодиса сифатида замонавий жамият ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳалари, хусусан, сиёсат, маданият, иқтисод кабиларга жиддий таъсир кўрсатади. Аммо у турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини бирдек акс эттиришга қодир эмас. Бундай турфа «гуруҳ манфаатлари»нинг мавжудлиги хилма-хил мафкуравий конструкцияларнинг юзага келиб, рўй бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиб, реал воқеликнинг бузилишига сабаб бўлади. Юқорида келтирилган сабабларга таянган ҳолда маҳсулдор мушоҳада глобаллашув жараёнининг феноменини ифодаламайди, аксинча, у навбатдаги таҳлил ҳисобланади. Шу маънода, тарих интихоси концепцияси глобаллашув жараёнининг мафкуравий асоси сифатида кўриниш беради.

<sup>24</sup> Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2003. – С. 111-112.

Кенг маънода, ўзаро тақозо этилувчи ва хайрихоҳликка таянган ғояларга асосланувчи барча ишлар маданий ўзига хосликлардан ҳоли катъий чегараларга эга бўлмаган очик социумнинг вужудга келишига тўсқинлик қилади. Шу маънода, тарихнинг интихоси социомаданий зиддият ва тўқнашувларнинг ҳам интихосини англатади.

Жамият интеграцияси ва мобилизациясига чорловчи ғоялар ижтимоий портлаш вазиятларида омма ва элитага мўлжалланган ғоялар билан алмашинади, ўз навбатида, уларнинг ўзаро кесишиши шарт эмас, деган қарашни шакллантиради. Элита фойдасига хизмат қиладиган ижтимоий реалликнинг ҳар қандай модификацияси ўта кучли манипуляция боис ёпиқ характер касб этади.

Бунга кўра, примордиал (бошланғич) универсал характер касб этувчи анъана унутилган ёки принципиал даражада бузилган, деб ҳисобланади. Шу маънода, айни традиционалистик тамойил Ф.Фукуяманинг «Тарих интихоси» концепциясининг яққол ифодаси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, реал тарихий хотирани радикал даражада сохта қайта ишлаш, уни том маънода йўққа чиқарган ҳолда постмодернизм андозаларида яширинган ўзига хос фантастик тасаввурлар билан алмаштиришга имкон яратади.

Бошқача қилиб айтганда, постмодернизм ва традиционализм оқимлари ғоявий мақсадга кўра бир-бирига ўзаро яқин таълимот саналади. Бир сўз билан айтганда, иккала оқим ҳам миллий социомаданий яхлитликни бузишга қаратилган навбатдаги ғоявий ишланма бўлиб, уларга глобаллашув мафқурасининг элементи сифатида қараш мумкин. Рус олими, традиционализмнинг таниқли тадқиқотчиларидан бири А.Г.Дугиннинг фикрича, янги сўл модернистларнинг хаоси янги ўнг традиционалистлар ва консерваторларнинг тартиботини юзага келтиради<sup>25</sup>.

Диссертациянинг «Замонавий фалсафада тарих фалсафаси концепцияси таҳлили» деб номланган учинчи бобда постиндустриал жамият концепцияси тарафдорлари турли вариантлардаги индустриал жамият деб атайдиган жамият инкирозларини англашга мажбур этиши, унинг янги хусусият ва таракқиёт белгиларини касб этган замонавий тарих фалсафаси даври таҳлил қилинган.

Замонавий тарих фалсафаси таълимотида ҳозирги замон муаммолари ҳақида фикр юритилар экан, янги замон саноат экспансияси ўзининг социал, демографик ва психологик тартибсизликлари, қутилмаган воқеалари билан инсоният тарихидаги қисқа муддатли давр, ҳатто, ўтиш давридир, деган хулоса мавжуд. Индустриал жамият ортидан жамиятнинг сифат жиҳатдан янги тип – постиндустриал жамият қарор топиши лозим.

Тарихни таракқиёт, йўналиш ва ривожланиш босқичлари нуқтан назаридан кўриб чиқиш истаги Д.Белл, З.Бжезинский, А.Тоффлер, XX аср ўрталарида нео-эволюционистлар бўлган Т.Парсонс, француз социолог ва сиёсатшунослари А.Турайн ва Ж.Фурастье, Д. Стюарт, М. Салинс, М. Харрис

<sup>25</sup> А. Г. Дугин. – Электрон.текстовые дан. – Режим доступа: <http://www.arcto.ru/modules.php?name=News&file=article&sid=221>. – Загл. с экрана.

асарларида ҳам кўрина бошлади. «Ижтимоий эволюционизм» тушунчаси социологияда ижтимоий ўзгаришларни талқин қилишда устун мавкени эгаллади.

Замонавий фалсафада «постиндуриал жамият» тушунчаси билан тарих фалсафаси таълимотининг ажралмас қисми биргаликда олиб қаралади. 1959 йилда «постиндуриал жамият» тушунчаси америкалик социолог Даниел Беллнинг маърузаларида, кейин эса унинг нашр этилмайдиган қолган «Постиндуриал жамият: Қўшма Штатларга 1885 ва кейинги йилларда тахминий қараш» (1962), ниҳоят, Герман Кан ва Энтони Вейнерларнинг «2000 йил кейинги ўттиз уч йил ҳақида фикрлаш учун чегара» (1967) китобига ёзилган «Сўзбоши»да фойдаланилди.

Уларнинг барчаси машҳур инглиз иқтисодчиси Колин Кларкнинг (1905-1989) «Иқтисодий прогресс шарт-шароитлари»<sup>26</sup> асарида берилган иқтисодиёт-нинг уч сектори: бирламчи (қишлоқ хўжалиги), иккиламчи (қайта ишловчи саноат), учламчи (хизмат кўрсатиш) соҳасига бўлинишини қабул қилади. Шундан келиб чиқиб, бир-бирининг ўрнини эгаллайдиган уч типи: 1) аграр (анъанавий, саноатгача бўлган), унда қишлоқ хўжалиги ҳукмронлик қилади; 2) индустриал, унда етакчи роль қайта ишловчи саноатга ўтади; 3) постиндустриал (юқори индустриал, технотрон, сервис ва ҳ.к.), унда биринчи ўринга хизмат кўрсатиш соҳаси чиқади; хизмат кўрсатиш ичида эса информацияни қайта ишлаш, яратиш, тарқатиш, илмий билимларни қўллаш етакчи ўрин эгаллайди.

Ушбу концепциянинг айрим тарафдорлари хизмат кўрсатиш соҳасини икки сектор-учламчи ва тўртламчи секторга ажратадилар. Улар учламчи секторга савдо-сотик, молиявий фаолият ва бошқаришни киритадилар; тўртламчи сектор, ўз навбатида, икки гуруҳга: биринчиси фан, умуман, илмий тадқиқот билан боғлиқ бўлган, иккинчиси таълим, маданий хизмат, соғлиқни сақлаш, социал таъминот ва дам олиш билан боғлиқ гуруҳларга ажратилади. Улар постиндустриал жамиятга ўтишни тўртламчи секторнинг ривожланиши билан боғлайдилар.

Бирок индустриал жамият концепцияси тарафдорлари юқоридаги мезонларни тўла қабул қилганлари ҳолда умумий қоидалардан муаммони конкрет кўриб чиқишга ўтишлари биланок бир-бирларидан йироқлашадилар. Уларнинг барчаси ҳам анъанавий жамиятдан индустриал жамиятга ўтиш айнан қачон рўй берди, деган масалани бир хилда ҳал этмайдилар. Уларнинг бири А.Сен-Симон изидан бориб, чегара сифатида ўрта асрлар тугаши ва янги замоннинг бошланишини (янги замонда саноат хўжалик ҳаётида етакчи роль ўйнаган); бошқалари эса саноат революциясининг бошланишини асос қилиб олади. Постиндустриал концепция тарафдорлари орасида индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш тўғрисидаги масалада бир тўхтамга эга бўлмаганлари бор. Уларнинг бир гуруҳи ўтиш ҳали олдинда, деса, иккинчилари бу ўтишнинг бошлангани ҳақида, учинчилари эса кўп

<sup>26</sup> Колин Кларк. Условия экономического прогресса (1940; 1947; 1957).



индустриал мамлакатларнинг постиндустриал жамиятга ўтиши рўй берган, деб ҳисоблайдилар.

Тарих фалсафасининг постиндустриал даври XXI асрда ўзининг барча айтилган илмий башоратлардаги белгиларини кўрсата бошлади. Замоनावий тарих фалсафаси объективлиги янги даврнинг кучли метод ва илмий ёндашувлари билан ўрганлиши тарих фалсафаси, тизимли таҳлил, прогнозлаш ва футурологияни ўз фокусда бирлаштирди.

